



THE FORMATION OF THE LOCAL WORKING CLASS AND BOURGEOISIE IN TURKESTAN AT THE END OF THE 19TH AND BEGINNING OF THE 20TH CENTURY

Nuriddin Musaev

*Doctor of Historical Sciences, Professor
National University of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: construction of railways, penetration of Russian and foreign capital, commercial-usurious bourgeoisie, artisans joining the working class, mining enterprises “Chimyon”, Kyzylkiya, Suluqta, Novqat, Seliroha and Moyliso y, Senator K. Palen, factory owners M. Mirzokosimov, the Shlossberg brothers, wealthy landowners M. Muminboev, Sultanmurad Khudoyorbekov, Buzrukhkhoja Davudboev, Khodikhoja Sodikhojaev, Yusuf Davidov, the Vadyaev brothers, Potelyakhov, trading and industrial companies “N. Kudrin & Co.”, “Yaroslav Large Manufactory” and others.

Received: 02.12.25

Accepted: 03.12.25

Published: 03.12.25

Abstract: The construction of the Central Asian and Tashkent–Orenburg railways stimulated the influx of Russian and foreign entrepreneurs, which contributed to the growth of industrial enterprises and the intensification of trade. In Turkestan, a significant portion of land and the means of production became concentrated in the hands of large proprietors, forcing landless peasants to seek employment in factories and plants located in the major cities of the Fergana, Syrdarya and Samarkand regions. Their ranks were further supplemented by migrants from the Bukhara Emirate, the Khiva Khanate, Iran, Afghanistan and Kashgar. As a result, market relations expanded, social stratification accelerated, and society became divided: on one side stood the commercial-usurious bourgeoisie, major landowners and industrialists, and on the other – poor peasants, farmhands, hired laborers and industrial workers.

XIX АСР ОХИРИ-XX БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДА МАҲАЛЛИЙ ИШЧИЛАР ҚАТЛАМИ ВА БУРЖУАЗИЯНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Нуриддин Мусаев

*Тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Тошкент, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Темир йўллар **Аннотация:** Ўрта Осиё ва Тошкент-

курулиши, рус ва хорижий капиталнинг кириб келиши, савдо-судхўрлик буржуазияси, косибларнинг ишчилар сафига қўшилиши, «Чимён», Қизилқия, Сулукта, Новкат, Селироҳа ва Мойлисой кончилик корхоналари, сенатор К. Пален, заводчилар М. Мирзақосимов, ака-ука Шлоссберглар, йирик бойлар М. Мўминбоев, Султонмурод Худоёрбеков, Бузрукхўжа Довудбоев, Ходихўжа Содикхўжаев, Юсуф Давидов, ака-ука Вадьяевлар, Потеляхов, «Н.Кудрин ва К», «Ярославль Катта мануфактураси» ва бошқа савдо-саноат ширкатлари.

Оренбург темир йўли курилиши натижасида рус ва хорижий тадбиркорларнинг кириб келиши саноат корхоналарининг кўпайиши ва савдо-сотиқнинг ривожланишига самарали таъсир кўрсатди. Туркистонда ер ва ишлаб чиқариш воситаларининг катта қисми мулкдорлар қўлида тўпланиши натижасида ерларидан ажралган деҳқонлар Фарғона, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларининг йирик шаҳарларидаги завод-фабрикаларда ишлашга мажбур бўлдилар. Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, Эрон, Афғонистон ва Қошғардан келган кишилар уларнинг сафини тўлдириб турдилар. Натижада ўлкада бозор муносабатлари ривожланиб, ижтимоий табақаланиш тезлашиб, жамият аъзолари бир томондан савдо-судхўрлар, йирик ер эгалари ва саноатчиларга, иккинчи томондан камбағал деҳқонлар, чоракорлар, мардикорлар ҳамда ишчиларига бўлинди.

ФОРМИРОВАНИЕ МЕСТНОГО РАБОЧЕГО КЛАССА И БУРЖУАЗИИ В ТУРКЕСТАНЕ В КОНЦЕ XIX – НАЧАЛЕ XX ВЕКОВ

Нуриддин Мусаев

Доктор исторических наук, профессор

Узбекский национальный университет

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: строительство железных дорог, проникновение русского и иностранного капитала, торговоростовщическая буржуазия, переход ремесленников в ряды рабочих, горнодобывающие предприятия «Чимён», Кызылкия, Сулукта, Новкат, Селироҳа и Мойлисой, сенатор К. Пален, заводчики М. Мирзақосимов, братья Шлоссберги, крупные баи М. Муминбоев, Султанмурад Худоёрбеков, Бузрукходжа Давудбоев, Ходиходжа Садыкходжаев, Юсуф Давидов, братья Вадьяевы, Потеляхов, торгово-промышленные компании «Н. Кудрин и К», «Ярославская Большая мануфактура» и другие.

Аннотация: Строительство Среднеазиатской и Ташкент–Оренбургской железных дорог способствовало притоку русских и иностранных предпринимателей, что привело к увеличению количества промышленных предприятий и развитию торговли. В Туркестане большая часть земли и средств производства сосредоточилась в руках крупных собственников, в результате чего лишённые земли крестьяне были вынуждены работать на заводах и фабриках крупных городов Ферганской, Сырдарьинской и Самаркандской областей. Их ряды пополнялись людьми, прибывавшими из Бухарского эмирата, Хивинского ханства, Ирана, Афганистана и Кашгара. В результате в крае ускорилось развитие рыночных отношений, усилилась

социальная дифференциация: общество разделилось, с одной стороны, на торговоростовщическую буржуазию, крупных землевладельцев и промышленников, а с другой – на бедных деҳкан, батраков, мордикоров и рабочих.

Туркистон Россия империяси мустанлакасига айлантилгандан кейин ўлкага осон бойлик орттириш илинжида бўлган тадбиркорлар, ишбилармонлар, ўғрилар ва муттухамлар ҳам кириб кела бошладилар. Айниқса, 1880-йиллардан Ўрта Осиё ва кейинчалик Тошкент-Оренбург темир йўли қурилиши кўплаб рус ва хорижий тадбиркорларнинг ўлкада пахта савдоси билан шуғулланишларига катта имконият яратди. Келгинди тадбиркорлар Фарғона, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида завод-фабрикалар қуришга киришди. Қисқа муддат ичида ўлкада саноат корхоналарининг сони ошиб бориши натижасида ишчиларга талаб ҳам кўпайди. Бу тирикчиликларини зўрға ўтказган хунармаандлар, деҳқонлар, мардикорлар, чоракорларни иш излаб шаҳарларга келишларига ва саноат корхоналарига жойлашишларига имкон берди. Натижада, ёлланиб ишлайдиган ишчилар сонининг ошиб бориши ҳисобига 1880-йилдан 1897-йилгача шаҳар аҳолиси кўпайди.

Сенатор Пален ўтказган тафтиш маълумотларига қараганда, “1897 йилда бутун Туркистонда шаҳар аҳолиси 13,83 % ни, қишлоқ аҳолиси эса 86,17 ни ташкил этган. Шаҳар аҳолисининг салмоғи Сирдарё вилоятида 13,91 %, Самарқанд вилоятида-15,71 %, Фарғона вилоятида-18,09 % га етган”(1) . Шунинг таъкидлаш лозимки, бу уч вилоятдаги шаҳар аҳолисининг сони Россия империясиникига нисбатан анча юқори бўлган (ўша вақтда империяда шаҳар аҳолиси 12 %ни ташкил этган).

Туркистонда йирик шаҳарлар нисбатан кўп бўлмасада, ўлканинг 14 та шаҳарида 1897-йилдан 1909-йилгача аҳолининг ўсиш даражасини қуйидаги рақамлар орқали таққослаш мумкин (минг киши ҳисобида)(2).

(20-жадвал)

Шаҳарлар	1897	1909	Шаҳарлар	1897	1909
Тошкент	156,4	191,5	Верный	23,0	31,3
Қўқон	82,1	113,6	Ашхабот	19,0	43,0
Наманган	61,9	73,4	Каттақўрғон	10,1	12,1
Самарқанд	54,9	79,9	Хўжанд	30,1	39,3

Андижон	46,7	76,4	Ўратепа	20,8	24,4
Марғилон	36,6	46,8	Ўш	36,5	44,2
Пишпак	6,6	14,3	Авлиёта	12,0	19,1

Бу маълумотлар 12 йил давомида шаҳарлар аҳолиси мунтазам ўсиб борганлигини кўрсатади. Масалан, Тошкент шаҳри аҳолиси 35,1 минг кишига, Қўқон шаҳри аҳолиси 31,5 минг кишига, Самарқанд шаҳри аҳолиси 25 минг кишига кўпайган. Бошқа шаҳарларда ҳам шундай жараён кузатилади. Шунини таъкидлаш лозимки, Тошкент ва Фарғона водийси шаҳарларида аҳоли нисбатан тез кўпайган.

Шаҳарларда аҳолининг ўсиши қишлоқ жойларига нисбатан тезроқ борди. Агар 1897-йилдан 1907-йилгача Туркистонда шаҳарлар аҳолиси 221854 кишига ёки 30,51 %га кўпайган бўлса, қишлоқ аҳолиси эса 687883 кишига ёки 15,78 %га кўпайди. Ўша даврда шаҳарларда маҳаллий аҳолининг кўпайиши 25,83 %ни ташкил этган бўлса, русларнинг кўпайиши 53,59 %ни ташкил этди. В.В. Бартольднинг таърифи бўйича бу даврда Тошкент «нафақат Туркистоннинг балки Россиянинг бутун Осиё қисмини энг йирик иқтисодий, сиёсий ва маданий марказига айланди. Русларнинг сони бу ерда аста-секин 50000 кишига етган; бутун ўлкада русийзабон аҳоли шунчалик кўп бўлган бошқа бирорта шаҳар йўқ эди»(3) .

Туркистон шаҳарларида завод-фабрикаларнинг кўплаб қурилиши, хунармандчилик ва савдонинг ривожланиши ишчи кучига бўлган талабни янада ошириши натижасида деҳқонлар шаҳарларга иш қидириб кела бошладилар. Айниқса, икки томонлама зулм кучайган ва синфий зиддиятлар кескинлашган Фарғона вилоятида камбағаллашган ва ерсиз деҳқонлар кўпчилиكنи ташкил этган(4) .

(21-жадвал)

Уездлар	Хўжаликлар сони	Ерсиз хўжаликлар сони	%
Марғилон	63488	13963	22
Андижон	64616	9940	15,38

XIX аср охирларида ўлка аҳолисининг 80 % қишлоқ хўжалиги (шундан 25 % чорвачилик) билан, қозоқлар, туркманлар ва қирғизлар яшайдиган ҳудудларда 70 % аҳоли кўчманчи чорвачилик билан банд эди(5). Шунга қарамадан, ўлкада капиталистик ишлаб чиқариш таъсирида ишчилар қатламининг шаклланиш жараёни тезлашди.

Маҳаллий ишчилар сафини Россиядан кўчириб келтирилган деҳқонлар ҳам тўлдириб борди. Дастлаб ўлкага деҳқончилик қилиш мақсадида кўчиб келишган руслар, бу ернинг

жазирама иссиғига, кишлок хўжалигининг оғир меҳнатига бардош бериша олмай, шаҳарларга бориб жойлашишган ва саноат корхоналарига ишга ёлланишган. Улардан ташқари, “Россияниг марказий районларидан, Сибирь ва Уралдан кўчиб келишган рус ишчилари ҳисобига ўлкада саноат ишчиларининг сони кўпайиб борди”(6). Шунингдек, Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудида жойлашган завод-фабрикалар ишчилари сафини Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, Эрон, Афғонистон ва Қошғардан иш қидириб келган минглаб кишилар мунтазам суратда тўлдириб турдилар. Масалан, “Фарғона водийсига фақат Қошғардан 1904-йили 14559 киши, 1905- йили 13337 киши, 1907-йили 25056 киши, 1909-йили 12725 киши, 1911-йили 26463 киши, 1912-йили 27174 киши ишлаш учун келган”(7). “Форслар баъзи пахта тозалаш ва ёғ заводлари, кончилик корхоналари, темир йўл тармоқларида ишчиларнинг асосий қисмини ташкил қилган”(8).

Кўпчилик саноат корхоналарида ишларнинг мавсумий характерга эга эканлиги саноат пролетариати ичида қўнимсизликни вужудга келтиришига қарамасдан ишчилар сони мунтазам ошиб борди. Масалан, “Фавицкий тошқўмир конларида 1869-йили 1150 киши ишлаган бўлса, 1870-йили уларнинг сони 1325 кишига, 1871-йили эса 1420 кишига етди”(9). 1877-йилги «ахборотнома» маълумотларига кўра, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона ва Еттисув вилоятларидаги қайта ишлаш саноати корхоналари ва ғишт заводларида 4,5 минг ишчи бўлган(10). 1880-йили ўлкада 4641 ишчи ҳисобга олинган (пахта тозалаш ва кон саноати ишчиларидан ташқари)(11). 1880-йилдан эътиборан ўлкада 28 та янги пахта заводи қурилган бўлса, 1890-йилдан 1900- йилгача уларнинг сони 56 тага, 1900-йилдан 1913-йилгача эса 113 тага, 1913- йили жами заводлар 197 тага етди (12). Шунга мос равишда ишчилар сони ҳам ошиб борди.

Маълумки, ўлкада темир йўл қурилиши, рус ва чет эл капиталининг кириб келиши, бу ерда саноат ишлаб чиқаришининг ривожланишига самарали таъсир кўрсатди. Натижада, ўлкада маҳаллий пролетарлар сони тобора кўпайиб борди. Архив маълумотларига кўра, 1905-йилдаёқ ишчилар сони 31416 кишига етган (Еттисув вилояти, Бухоро ва Хива хонликлари ишчилари ҳамда темир йўл пролетариатидан ташқари)(13) . Ажабланарли томони шундаки, темир йўл қурилиши ва уни эксплуатация қилинишида ўлка ишчиларининг катта қисми банд бўлганлигига қарамасдан, уларнинг сони ҳақида тадқиқотчилар аниқ хулосага келишмаган. Г.Кунавинанинг маълумотиغا кўра, 1880-йилдан 1917-йилгача Ўрта Осиё ва Тошкент-Оренбург темир йўли қурилишида 120 мингга яқин киши, темир йўлни эксплуатация қилишда эса 30 мингга яқин киши иштирок этган(14).

Тадқиқотчилар темир йўл ишчилари каби ўлка саноат корхоналари ишчиларининг умумий сони ҳақида ҳам турлича фикрлар билдиришган. Масалан, Х.Ш.Иноятов 1914-йили ўлкада фабрика-завод ишчилари (Хива ва Бухородан ташқари) 20925 кишини, темир йўл ишчилари ва кончилар билан биргаликда 45000 кишини ташкил этган(15), деб кўрсатган. В.В.Заорская ва К.А.Александрларнинг ҳисоб-китоблари ва «1917-1923-йиллар статистика солномаси»га асосланган М.Ваҳобов эса қуйидаги хулосага келган: «Сирдарё вилоятида 31707, Самарқанд вилоятида 12197, Фарғона вилоятида 16616, ҳаммаси бўлиб 60520 та саноат ишчиси бор эди. Афтидан, бунга косиб-хунарамандчилик корхоналарида ишлайдиган ёлланма ишчилар-халфалар ҳам киритилган бўлса керак. Шундай қилиб, Туркистон шаҳар саноатида ишловчи катта ёшли аҳолини айрим ижтимоий гуруҳларга бўлиб чиққанда, саноатчи савдогарлар ва давлатманд хунарамандлар 36000, ўрта ҳол косиблар 24000, камбағал косиблар 37000, давлатманд косиблар қўлида ишлайдиган халфалар 24000, саноат корхоналари, темир йўл қурилишларида банд бўлган ишчилар 36000-37000 кишидан иборат эди»(16). Юқорида келтирилган маълумотларни таққослаш асосида, М.Ваҳобовнинг маълумотларини бирмунча мукамал деб ҳисоблаш мумкин.

Туркистонда бозор муносабатларининг ривожланиши ижтимоий табақаланиш жараёнини ҳам тезлаштирди. Бу ерда жамият аъзолари бир томондан савдо-судхўрлар, йирик ер эгалари ва саноат мулкдорларига, иккинчи томондан ўрта ҳол ва камбағал деҳқонлар, чоракорлар, мардикорлар ҳамда саноат ишлаб чиқариши ишчиларига бўлинди. Ўлка аҳолиси ўртасида бошланиб кетган табақаланиш меҳнаткаш омма турмуш тарзининг оғирлашувига, уларни икки томонлама эксплуатация қилинишининг кучайишига олиб келди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон ССР тарихи. I-жилд, II-китоб. – Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1957. – 132-б.
2. Гулишамбаров С.И. Экономический обзор Туркестанского района. Ч. I. – Асхабад, 1913. – С. 19.
3. Турсунов Х.Т. Восстание 1916-года в Средней Азии и Казахстане. – Ташкент: Госиздат, 1962. – С. 54.
4. Бартольд В.В. Сочинения. Т. II, часть I. – М.: Изд. Восточной литературы, 1963. – С. 338.
5. ЎР МДА, ф. И-1, р.1, х. 730, в.4.

6. Пален К.К. Материалы к характеристике народного хозяйства Туркестана. Ч. I. – СПб., б.и. – С. 115–116.
7. Социально-экономическое и политическое положение Узбекистана накануне Октября. – Ташкент: “Фан”, 1973. – С. 76.
8. Исмаилова Р.Ю. Из истории формирования первых кадров рабочего класса в Туркестане на рубеже XIX–XX вв. // Вестник ЛГУ. – Вып. 4. – 1957. – № 20. – С. 142.
9. Юферов В.И. Труд хлопковых хозяйств Туркестана (опыт характеристики рабочего вопроса в хлопковых районах Туркестанского края). – СПб., 1914. – С. 22–23.
10. ЎР МДА, ф. И-19, р.1, х. 9829, в.8.
11. Социально-экономическое и политическое положение Узбекистана накануне Октября. – Ташкент: “Фан”, 1973.
12. ЎР МДА, ф. И-1, р.1, х. 1193, в. 3–4, 8, 9, 11, 15, 17–19, 21–23, 25–26, 36–42.
13. Ўша ерда, х. 1598, в. 417.
14. Гуртовенко А. Из истории развития промышленного капитализма и возникновения пролетариата из коренного населения в Узбекистане конца XIX и начала XX века. Рукопись дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 1954. – С. 65.
15. ЎР МДА, ф. И-1, р.12, х. 911, в. 4. Отчет военного губернатора Сырдарьинской области за 1905 г.
16. Ўша ерда, ф. И-41, р.1, х. 84, в. 96–99. Статистические сведения о добыче полезных ископаемых в Туркестанском крае за 1905 г.
17. Кунавина Г.С. Формирование железнодорожного пролетариата в Туркестане (1881–1914). – Ташкент: “Фан”, 1967. – С. 73.
18. Иноятов Х.Ш. Ответ фальсификаторам истории Советской Средней Азии и Казахстана. – Ташкент, 1962. – С. 19.
19. Вахобов М. Ўзбек социалистик миллати. – Тошкент: Ўздавнашр, б.и. – 178-б